

Таниқли футбол юлдузи Исломни қабул қилди



09:29 / 12.03.2022 1971

Италиянинг «Милан», Мадриднинг «Реал» ва Голландиянинг «Аякс» футбол клубларида ўйнаган ҳамда Европа чемпионлар лигасида ғалаба қозонган нидерландиялик футбол юлдузи Кларенс Зеедорф Ислом динини қабул қилди. Бу ҳақда tr.agency агентлиги, moroccoworldnews.com манбалари хабар берди.

Собиқ футболчи ва мураббий ўзининг инстаграмдаги [clarenceseedorf](https://www.instagram.com/clarenceseedorf) расмий саҳифасида Исломни қабул қилганини маълум қилди. У ўз изоҳида шундай ёзади: «Исломга кирганим муносабати билан мени қутлаб, ёқимли хабарномалар юборган барчага ташаккур билдираман. Мен бундан ниҳоятда бахтиёрман. Дунёнинг турли ҳудудларидаги мўмин мусулмон ака-ука, опа-сингиллар жамоасига қўшилганим мени хурсанд қиляпти. Айниқса, Ислом динининг моҳиятини чуқурроқ ўрганишимга сабачи бўлган севимли Софиямга раҳмат. Мен исмимни ўзгартирмадим ва ота-онам қўйган номда қоламан — Кларенс Зеедорф! Дунёдаги барчага ўз муҳаббатимни йўллаб қоламан!».

Ижтимоий тармоқларда тарқалган хабар футболчининг мухлислари томонидан катта олқишларга сазовор бўлди.

Маҳаллий матбуот хабарига кўра, собиқ футболчи Ислом динига
Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида кирган.

Зеедорф араб ва ислом дунёсидаги футбол мухлислари орасида катта
машҳурликка эга.

Зеедорфнинг исломни қабул қилгани ҳақидаги ушбу воқеа 1443 йилги
муборак Рамазон ойи бошланишидан бир ой аввал мусулмонлар учун
кутилмаган хурсандчилик бўлди.

Аллоҳ таоло Ислом динини қабул қилган мусулмон бандасининг
гуноҳларини кечириб, Ўзининг ҳидоятида бардавом қилсин!

***Арабчадан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси
Хуршид Маъруф тайёрлади***